O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 29-iyul • Payshanba • 88 (31.208) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, авваламбор касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгиланган кичик, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бунда ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 28 июль



Зиёдилла НОРМУРОДОВ олган сурат.

Аҳоли манфаати йўлида

Фракция фаолияти

■ Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда кун тартибидан ўрин олган еттита қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Жумладан, «Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳалари иккинчи ўқишда, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоиз, фракция қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам, яъни ногиронлар, нафақадагилар, қаровчисини йўқотган, кўп болали оилалар, ишсиз ёшлар, ўқитувчи ва шифокорлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашди.

Фракция аъзолари муҳокама этилган қонун лойиҳаларига аҳоли талаблари ва партия электорати манфаатларига мос амалий таклифлар киритди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Фракция мажлиси газетамизнинг навбатдаги сонида батафсил ёритилади.)

Кадрлар масаласи фаоллар эътиборида → 2

Болаларни кашандалик иллатидан асрайлик → 3

Суҳроб — жаҳон биринчилиги совриндори! → 4

✔ *Дунёнинг нуфузли рейтинг компанияси — «Fitch Ratings» томонидан шу йил 22 июлда «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банкига жорий рейтинг баҳоси берилди. Унда банкнинг 2010 йилдаги фаолияти, молиявий ҳолати, яъни зиммасидаги молиявий мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилиятига берилган узоқ муддатли* ***«БАРҚАРОР»*** *рейтинг баҳолари яна бир бор тасдиқланди.*

Экспорт ҳажми ошмоқда

Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!

■ Уч юз нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилиб келаётган «Боғот-Текстиль» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида мана етти йилдирки, Германиядан келтирилган замонавий технологиялар асосида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.



Таъкидлаш жоизки, 2009 йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4 млрд. 987,3 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 6 млрд. 484 миллион сўмга етиши кутилмоқда. Шундан 5140 минг долларлик маҳсулот четга экспорт қилинади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи икки йил муқаддам қабул қилинган дастурга кўра, 1 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш кўзда тутилган. Ушбу маблағ эвазига зарур ускуналар келтирилиб ўрнатилади. Бу эса корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини оширибгина қолмай, янги иш ўринлари яратилишига ҳам имкон беради.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон темир йўллари:

ИСЛОҲОТЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР, БУНЁДКОРЛИКЛАР



Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида Президентимиз фармони билан «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси ташкил этилган эди. Бу йил ана шу санага 16 йил тўлди.

Ўзбекистон темир йўл тизимини ислоҳ қилиш, уни жаҳон талаблари даражасида ривожлантириш орқали мамлакат миқёсида ягона темир йўл тизимини барпо этиш мақсадида ташкил қилинган компания ўтган йиллар мобайнида зиммасига юклатилган масъулиятли вазифаларни уддалади. → 3

ОБ-ҲАВО 29-30.07.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	35°C	36°C
Самарқанд	36°C	37°C
Нукус	39°C	40°C
Қарши	40°C	41°C
Урганч	39°C	40°C
Навоий	39°C	40°C
Фарғона	36°C	37°C
Бухоро	39°C	40°C
Андижон	36°C	37°C
Наманган	36°C	37°C
Термиз	41°C	42°C
Жиззах	37°C	38°C
Гулистон	37°C	38°C
Тошкент вил.	37°C	38°C
Лондон	31°C	32°C
Париж	32°C	33°C
Москва	36°C	37°C
Мадрид	37°C	38°C
Пекин	38°C	39°C
Гонконг	40°C	39°C
Рим	35°C	34°C
Анқара	35°C	37°C
Токио	32°C	33°C
Стокгольм	31°C	32°C
Кейптаун	16°C	15°C
Қоҳира	29°C	30°C
Гавана	41°C	42°C
Вашингтон	32°C	33°C

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 27 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1436,49	1 Миср фунти	281,72	1 СДР	2429,12	10 Жанубий Корея вони	13,44
1 Англия фунт стерлинги	2480,41	1 Канада доллари	1549,16	1 Туркия лираси	1059,07	10 Япония иенаси	183,20
1 БАА дирҳами	437,29	1 Хитой юани	236,86	1 Швейцария франки	1524,02	1 Россия рубли	52,84
1 АҚШ доллари	1605,55	1 Малайзия рингити	502,91	1 Евро	2091,71	1 Украина гривнаси	203,31

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялашган

Сўз — Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоларига

Мамлакатимиз агросаноати барқарор ривожланишини таъминлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш масаласи суғориладиган ерларнинг ҳосилдор қатламини сақлаш, қайта тиклаш ва заминдан оқилона фойдаланишни талаб этади.

Шунинг учун ҳукуматимиз мелиорация ишларини амалга ошириш учун 2008 йилда 75 миллиард сўм сарфлаган бўлса, бу кўрсатгич 2009 йили 130 миллиард сўмни ташкил этди. 2010 йилга келиб давлат бюджети ҳисобидан мелиорация ишларига 150 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Ер манбаларидан оқилона фойдаланайлик

Юртимизда шўрланган ерлар суғориладиган ерларнинг 50,7 фоизини, хусусан, кучсиз шўрланган ерлар 31,4, ўртача шўрланган ерлар 15,5, кучли шўрланган ерлар эса 3,8 фоизни ташкил этади.

Суғориладиган ерларнинг 20 фоиздан 40 фоизгача бўлган қисми деф-ляцияга учраган. 2,8 миллион гектар яйлов суғоришга муҳтож. 160 минг гектардан ортиқ майдон техноген таъсирига учраган.

Республиканинг 643,2 минг гектар суғориладиган ери ирригация эрозиясига дучор бўлган. Жумладан, Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд вилоятларининг суғориладиган ерларида ирригация эрозияси даражаси бошқа ҳудудларга нисбатан юқори. Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида жами 746.4 минг гектар лалми ерлар сув эрозиясидан зиён кўрган.

Шўрланган ердан юқори ҳосил олиш жуда катта меҳнат ва маблағ талаб этади. Шунинг учун ердан тўғри, унумли фойдаланиш, унинг ҳосилдорлигини доимий равишда ошириб бориш давлатимиз аграр сиёсатининг ўзагини ташкил этади.

Конституциямизнинг 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир, дея белгилаб қўйилган. Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан назорат давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари, шунингдек, махсус ваколатли давлат идоралари томонидан амалга оширилади.

Тупроқ унумдорлигини асраш ҳосилдорликнинг кўпайиши билан бирга, биосферанинг табиий мувозанатини сақлашга ёрдам беради.

Президентимизнинг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг унумдорлигини доимий равишда ошириш зарурлигини кўрсатади.

Ушбу Фармон ва Қарор ижросини таъминлашнинг узвий давоми сифатида давлатимиз раҳбарининг «2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди.

Эркин бозор муносабатларига ўтиш энг долзарб масала бўлиб турган бир пайтда ҳукумат ишлаб чиқаришнинг асоси бўлган ер ва ер манбаларидан фойдаланиш устидан ташкилотчилик ва амалий назорат олиб бораётгани қувонарли, албатта. Бу ишнинг самарали амалга оширилиши ўз навбатида, жамият манфаатдорлигини таъминлайди. Шу сабабли ер ва ер манбаларидан оқилона фойдаланиш, ер унумдорлигини ошириб бориш ва ундан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларига риоя қилиш нафақат самарадорликка замин яратади, балки шу соҳага меҳр қўйган ёшларни она ерга эътиборли бўлишга ундайди. Зеро, дастурхонимизга минг хил ноз-неъмат етиштириб берадиган, барчамизни тўйинтирадиган она заминдир. Шу боис, ерни асраш унга меҳр кўрсатиш талаб этилади. Ёш авлод қалбида ана шундай туйғуларни шакллантириш ғоятда муҳим аҳамиятга эга. Ерга эгалик туйғуси Ватанга муҳаббатнинг ўзагидир.

Шу маънода, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча партияларнинг фракциялари, Экологик ҳаракат депутатлари, палата қўмиталари ўтказаётган ер ва ер манбаларидан фойдаланиш, тупроқшунослик ва тупроқ унумдорлигини ошириш масалаларига доир семинарлар ва давра суҳбатлари ижобий самара беради, деб ўйлайман. Уларда соҳага оид қонунлар бўйича таклиф ва мулоҳазалар ўрганилмоқда, амалиётчилар фикрлари асосида уларни такомиллаштириш масаласи муҳокама қилинмоқда.

Искандар АЗИЗОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Кадрлар масаласи

фаоллар эътиборида

Партия Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар партия кенгаши Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «Партия тизимига кадрлар танлаш ва захирадаги кадрлар билан ишлаш тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича ўқув-семинар ташкил қилди. Унда шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари, раис ўринбосарлари, «Фаол аёллар» қаноти ва «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари иштирок этишди.

— Партия дастурини амалга оширилишини таъминлаш салоҳиятли кадрларга бевосита боғлиқ, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши Кадрлар иши ва парламентчилик фаолияти бўлими мудири Зокиржон Холматов. — ЎзХДПнинг бошқа партияларга нисбатан афзаллик томони шундаки, унда тизимлилик мавжуд. Ҳозир шаҳар ва туман партия кенгашларида камида уч-тўрт нафардан ходим фаолият юритмоқда. Бироқ кадрлар танлаш, уларни жой-жойига қўйиш масаласида айрим камчиликлар бор. Қобилиятли ходимлар лавозимини кўтариш, уларни бошқа юқори ташкилот ва муассасаларда ишлашга тавсия этиш масаласига ҳамма жойда ҳам етарлича аҳамият берилмаяпти. Бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларида ташаббус етишмаяпти.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёш, иқтидорли кадрларни тарбиялаш ва лавозимларга кўтариш масаласига алоҳида эътибор бериш лозим.

— Биз қанчалик кадрларни тўғри танлай билсак, улар билан мунтазам ва тизимли иш олиб борсак, фаолиятимиз шунча мустаҳкам бўлади, — деди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шойимқулов. — Шу даврга қадар партияда кадрлар масаласи махсус дастур асосида олиб борилар эди. Энди эса, бу борадаги ишларни янада ривожлантириш, етук мутахассисларга бўлган талабни қондириш мақсадида концепция ишлаб чиқилди ва айни пайтда амалиётга татбиқ этилмоқда.

Ўқув-семинар ёш кадрларни партия ишига жалб этиш йўллари ва бу борадаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Семинар ишида концепциянинг мазмуни ва аҳамияти муҳокама этилди, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дилафрўз ЗАЙНИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Соғлом авлод — соғлом келажак

Қонун ва шарҳ

Мамлакатимизда ёшлар соғлиғи, оналар ва болалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратиб келинади. 2000 йил — «Соғлом авлод йили», 2001 йил — «Оналар ва болалар йили», 2004 йил — «Меҳр-мурувват йили», 2005 йил — «Сиҳат-саломатлик йили», 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», 2008 йил эса «Ёшлар йили» деб бежиз аталган эмас. Жорий йил «Баркамол авлод йили» деб ном олди. Ушбу йиллардаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилашга қаратилган давлат дастурларида марказий ўринни фуқаролар соғлиғини сақлаш, оналик ва болалик, оила, ёш авлод ва болаларнинг соғлом турмуш тарзи, уларнинг маънавий камолоти каби масалалар эгаллади.

Ҳаёт учун ўта аҳамиятли моддалар, яъни микронутриентлар етишмаслигининг олдини олиш мақсадида унни бойитилган ҳолда истеъмол қилиниши анемия касаллиги 3-5 фоизга камайишини таъминлади. Шу каби бир қатор тадқиқот ва таҳлиллардан келиб чиқиб, оналар ва болалар орасида анемиясининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 августдаги «Унни бойитишга оид Давлат дастури»ни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорида аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароит яратиш, жисмоний ва маънавий баркамол ёш авлодни вояга етказиш билан боғлиқ қатор вазифалар белгиланган эди.

Бу вазифалар ва юқорида таъкидланган ҳолатлардан келиб чиқиб, 2010 йил 7 майда Олий Мажлис Сенати Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги қонунни маъқуллаб, жорий йилнинг 7 июнида матбуотда эълон қилди ва кучга кирди. Ушбу қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад мамлакат аҳолиси ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикасини рўёбга чиқариш самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари бойитилишини таъминлаш, шунингдек, микронутриент етишмаслиги профилактикаси бўйича ўтказиладиган тадбирларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ҳисобланади. Қонун тузилиши жиҳатдан тўрт боб ва 18 моддадан иборат.

Қонуннинг «Асосий тушунчалар» деб номланган 3-моддасида «микронутриентлар», «микронутриент етишмаслиги», «бойитилган озиқ-овқат маҳсулоти», «микронутриентлар самплементацияси» ва бошқа асосий тушунчаларнинг мазмуни ёритиб берилган. Хусусан, **микронутриентлар** — бу инсон организмининг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган, ўрнини бошқа нарса боса олмайдиган озиқ-овқат моддалари (витаминлар ва минерал моддалар) эканлиги; **микронутриент етишмаслиги** — инсон организмининг озиқ-овқат билан тушадиган микронутриентлар етарли эмаслиги сабабли касалликларнинг ривожланишига олиб келадиган ҳолати; **бойитилган озиқ-овқат маҳсулоти** — ишлаб чиқарилиши жараёнида микронутриентлар билан бойитилган (фортификация қилинган) озиқ-овқат маҳсулоти; **микронутриентлар самплементацияси** — аҳолининг муайян гуруҳлари ўртасида микронутриентларнинг дори воситалари тарзида профилактик дозаларда қўлланилиши экани белгиланган.

Соҳанинг давлат томонидан тартибга солиниши, назорати ҳамда махсус ваколатли давлат органларининг фаолияти масалалари алоҳида моддаларда ўз аксини топган. Қонуннинг аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикасига доир чора-тадбирларга бағишланган бобида аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикасининг турлари, бойитилган озиқ-овқат маҳсулотини ва уни бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмаларни ишлаб чиқариш, сертификатлаштириш, шунингдек, уларни ўраш, тамғалаш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш масалалари белгилаб қўйилган.

Қонуннинг 4-моддасида шу соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Қонунда фортификацияланган, яъни бойитилган озиқ-овқат маҳсулотларини фақатгина юридик шахслар ишлаб чиқариши мумкинлиги белгиланган. Бу эса ўз навбатида, ушбу маҳсулотларнинг тегишли тартибда сертификатланиши, лицензияга эга бўлиши, маҳсулотлар сифатида ижобий намоён бўлишини билдиради.

Қонуннинг 14-моддасида аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикасига қаратилган нотижорат тусдаги реклама ижтимоий реклама ахбороти эканлиги ва уни тайёрловчилар ҳамда тарқатувчилар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланишлари мумкинлиги белгиланган. Бу микронутриентлар билан бойитилган маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш демакдир. Чунки реклама қиммат турувчи, шу билан бирга, жуда самарали тушунтириш, тарғибот ҳамда ўз маҳсулотини халққа таништириш воситаларидан бири ҳисобланади. Бундай рекламанинг бепул эканлиги белгиланган.

Шу жойда айтиб ўтиш керакки, ушбу қонун нормалари умумэътироф этилган қоидаларга мос келади. Хусусан, Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган эмизикли болалар ҳамда кичик ёшдаги болаларни эмизиш ва овқатлантириш бўйича услубий қўлланмада болаларнинг озиқ-овқатида, қолаверса, уларни эмизаётган оналарнинг ҳам озиқ-овқатида бошқа минерал ва витамин моддалар билан бирга, микронутриент гуруҳига киритилган моддалар мавжуд бўлиши шартлиги белгиланган.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида ҳам микронутриентлар етишмаслигига қарши чоралар амалга ошираётганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, унни бойитиш билан боғлиқ дастурлар Россия Федерацияси, Молдова, Қозоғистон, Озарбойжон, Арманистон каби давлатларда мавжуд бўлса, бундай дастурлар Туркия, Болгария ва Руминия каби давлатларда ишлаб чиқилмоқда. Шунга ўхшаш қонунлар 50 дан зиёд мамлакатда мавжуд. Бу — дунёда бойитилган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эътибор катта эканлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши микронутриент етишмаслиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Алишер ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходими.

ЎзХДП: депутатлик гуруҳларида

амалий таклифлар

Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши партия гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоят Кенгаши депутатлари Ғулом Ибрагимов, Ихтиёр Фармонов сайловчилар билан доимий учрашувларни йўлга қўйиш, муаммоларни жойида ҳал қилиш йўлларини излаш, депутат ўз вазифасига халқ ишончини оқлаш нуқтаи назаридан ёндашиши лозимлиги тўғрисида маъруза қилдилар.

Тадбирда сўзга чиққан депутатлар Юнус Хайруллаев, Теюб Гасимов, Акмал Зоиров ва бошқалар бандлик муаммосини ҳал қилишда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, транспорт воситалари билан боғлиқ масалалар юзасидан таклифлар билдиришди.

Шунингдек, йиғилишда Баркамол авлод йили, Инқирозга қарши чоралар, Янги ишчи ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш каби давлат ва маҳаллий дастурлар бажарилиши юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тегишли қарорлар қабул қилинди.

Моҳигул НАЗАРОВА

Ташаббус ва изланувчанлик

депутатлик гуруҳлари фаолиятининг самарасини таъминлайди

ЎзХДП ҳаёти

ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашида депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Партия кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Назира Матёқубова масаланинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида тўхталди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Қозоқбой Жонибеков депутатлар ишини такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги соҳасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритди.

Элбой БЕГМОНОВ, ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари:

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиямиздан бир нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида 27 нафар, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларида 169 нафар депутатимиз фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар бир депутат сайлов даврида ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариши шарт. Депутатлик тузилмалари ишини таҳлил қиладиган бўлсак, хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганига гувоҳ бўламиз. Улар биринчи навбатда ҳамкорликда ҳаракат қилиши, электорат муаммоларини ўрганиб, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари сессияларига олиб чиқиши ғоятда муҳим. Аммо бу борада етарлича фаоллик кўрсатилмаяпти. Амалдаги қонунлар, Президентимиз фармон ва қарорлари, ҳукуматимиз қарорларини амалга ошириш юзасидан депутатлик назорати суст. Депутатларнинг жойлардаги партия ташкилотлари билан алоқаси узилиб қолган. Парламент сўровида кўтарилган масалаларга давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мансабдор шахсларининг амалий муносабат билдиришларига эришиш лозим.

Зина ТЕМИРБЕКОВА, ЎзХДП Қўнғирот туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Гуруҳимиз 7 нафар депутатдан иборат. Уларнинг ҳаммаси туман Кенгашидаги доимий комиссияларда фаолият кўрсатади. Шу кунгача халқ депутатлари туман Кенгашининг иккита сессияси бўлиб ўтди. Унда салкам 15 га яқин масала муҳокама этилди. Доимий комиссияларнинг бўлиб ўтган йиғилишларида иккита депутатимиз кун тартибидаги масалалар юзасидан таклиф-тавсияларини билдирдилар. Айтиш керакки, депутатларимизнинг ҳаммаси биринчи марта сайланган. Ҳали етарли тажрибага эга эмас. Шу боис фақат сессия олдидан эмас, балки вақти-вақти билан туман партия Кенгашида учрашиб, электорат масалаларини ўрганиб, муҳокама қилиб, сессия кун тартибига киритишга ҳаракат қилаяпмиз. Аммо бу ҳали етарли деб бўлмайди. Қолаверса, давр шиддат билан илгарилаб бораяпти. Ундан орқада қолишга ҳаққимиз йўқ.

Шундан сўнг «Қорақалпоғистон тонги» газетаси бош муҳаррири, республика Жўқорғи Кенгеси депутати Гулистон Аннақличева сўзга чиқиб, ҳаётий мисоллар асосида таклифлар билдирди.

Ойбек ХУДОЙБЕРГАНОВ, Тўрткўл туман партия кенгаши раиси:

— Ўтган сайловларда кутилган натижага эриша олмадик. Сайловчиларнинг ишончини қозонишда ташаббус кўрсатмаганимиз мана шунга олиб келди. Тарғибот-ташвиқот ишларининг сустлигидан ўтган сайловларда кутилган натижага эриша олмадик. Энди сайланган депутатлар бундан хулоса чиқариб олишлари зарур.

Семинарда партия фаоллари олдида турган долзарб вазифаларга ҳам эътибор қаратилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСЛОҲОТЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР, БУНЁДКОРЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ:

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Компания дастлаб жаҳоннинг қатор темир йўл компаниялари, корпорация ва ташкилотлари билан ўзаро тенг ва ишончли ҳамкорликни йўлга қўйди. Темир йўл транспорти бўйича фаолият турларини янада кенгайтириш, юк ва йўловчи ташиш, тижорат ишлари бўйича ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бу каби мисли кўрилмаган ўзгаришлар, янгиланишлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон темир йўллари бугун жаҳонга юз тутди.

Ўтган қисқа давр мобайнида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, мавжуд ички имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Янги-янги темир йўл линиялари ишга туширилди. Муҳташам иншоотлар, кўркам ва замонавий объектлар, темир йўл вокзаллари қад ростлади. Энг муҳими, халқ хўжалигининг юк ва йўловчи ташишга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришга муваффақ бўлинди.

Кейинги йилларда узунлиги 358 километрли «Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус» ҳамда «Аср қурилиши» деб ном олган 223 километрли «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл линияларининг барпо этилиб, фойдаланишга топширилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимиз Президенти иқтисодиётимизнинг қон томири ҳисобланмиш темир йўл транспортини янада ривожлантиришга катта аҳамият бериб келмоқда. Кейинги бир йил ичида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг локомотив паркини янгилаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Чунончи, Хитой Халқ Республикасидан 15 та замонавий электровоз олиб келишга қарор қилинганди. Яқинда ана шундай электровозлардан иккитаси Тошкентга етиб келди ва унинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Чжучжоу электровозсозлик компанияси (ЧЭК) Ўзбекистоннинг янги буюртмасини республикамиздаги реал шароитни ҳисобга олган ҳолда бажармоқда. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар буюртмани бажариш жараёнида Россия, Чехия ва бошқа мамлакатларда тайёрланган детал ва бутловчи қисмлардан фойдаланишмоқда.

ЧЭК билан тузилган шартноманинг қиймати 73,8 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳани молиялаштириш эса Хитой томонидан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларга ажратиладиган маблағлар ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириляпти. Шартнома қийматининг 95 фоизи Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига Хитой «Эксимбанк»и томонидан 20 йил муддатга тақдим этилган кредит маблағи ҳисобидан бажарилади. Бунда беш йиллик имтиёзли давр ҳам мавжуд. 5 фоиз маблағ эса компания томонидан қопланади.

Лойиҳанинг умумий баҳоси 75,526 миллион АҚШ долларидан зиёд. Унинг қопланиш муддати 20 йил қилиб белгиланган. Барча 15 та электровоз фойдаланишга топширилгандан сўнг, йиллик йўловчи ташиш айланмаси 2012 йилга бориб, 355 миллион йўловчи километрни ташкил этади.

Шу йилнинг 1 июнидан бошлаб Самарқанд — Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйича қатновчи тезюрар 3/4 рақамли «Регистон» экспресс поезди ҳаракати бошланди. Бу поезд оддий иш кунлари эрталаб соат 6 дан 20 дақиқа ўтганда Самарқанддан йўлга чиқиб, 9 дан 50 дақиқа ўтганда Тошкентга етиб келади. Тошкентдан эса соат 18.20 да йўлга чиқиб, 21.50 да Самарқандга етиб боради. Демак, 3,5 соатда манзилга етилади. Поезддаги жами 6 та вагон яхшилаб жиҳозланган бўлиб, йўловчиларга қулайликлар яратилган. 2 та вагон биринчи классли, ҳар бирида 42 та йўловчи, 1 та вагон эса 2-классли, унда 42 та йўловчи манзилга етиб олиш имкониятига эга. 1 та вагонда буфет, яна 2 та вагон эконом классдан иборат бўлиб, унда ҳам 42 та йўловчи жойлашади. Жами 210 йўловчига хизмат кўрсатилади. Барча вагонлар Тошкент вагонсозлик ва йўловчи вагонлари таъмирлаш заводида тайёрланган.

Яна бир янгилик. Президентимизнинг 2009 йил июнь ойида Испанияга ташрифи доирасида эришилган келишувга биноан «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти ҳамда Испаниянинг «Patentes Talgo S.A» компанияси ўртасида юқори тезликдаги йўловчи ташиш электропоездини сотиб олиш ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича меморандум имзоланди.



— «Тальго» компанияси темир йўлда ҳаракатланувчи тезкор электропоездлар ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги пешқадам корхоналардан биридир, — дейди «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти директори Шаҳобиддин Мирзаахмедов. — Бу ерда локомотив поездларнинг замонавий турларини яратиш, ишлаб чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича кўпгина ишлар қилинмоқда. «Тальго» поездларидан Европанинг кўпгина мамлакатларида фойдаланилмоқда. Аниқ маромда ҳаракат қилиши туфайли ғилдирак ҳам, рельслар ҳам ишдан чиқмайди. Шунингдек, ҳаракатдаги поездга хизмат кўрсатиш харажатлари ҳам камаяди. Бу электропоездлар фойдаланишга тайёргарлиги жиҳатидан 99,98 фоизлик имкониятга эга эканлигини исботлади.

Ўзбекистон Республикасига бу тезюрар поезднинг келтирилиши мамлакат ичкарисида поездлар ҳаракати тезлигини анча ошириш, шунингдек, кўзланган манзилга етгунча йўловчиларга сервис хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда қулайликлар яратиш имконини беради.

2009 йилнинг кузида ҳар иккала мамлакат темир йўл тармоғи тизими ўртасидаги ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонга иккита «Тальго Т-250» поездини олиб келишга қарор қилинди.

Айни пайтда мамлакатимиз темир йўлларида янги поезд қатновини йўлга қўйиш учун тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Темир йўллар тезюрар поездлар ҳаракатланиши учун мослаштирилмоқда, унинг четларига тўсиқлар ўрнатилмоқда. Машинистлар эса катта тезликдаги электропоездларни бошқариш сирларини бевосита «Тальго» компаниясининг заводида ўрганишяпти. Ўқув машғулотлари вақтида назарий билимлар билан бирга, махсус тренажерларда амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

Яқин келажакда ушбу электропоездлар Тошкентга олиб келинади. Унинг тезлиги соатига 250 километрни ташкил этиб, илк қатнов Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйича амалга оширилади. Бу мамлакатимиз темир йўли тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлиши кутилмоқда.

Шунингдек, айни кунда Тошкент минтақавий темирйўл узелининг 114 километрлик «Тўқимачи — Ангрен» участкасини электрлаштириш ишлари якунига етказилди. Бу эса узел бўйлаб барча электрлаштириш ишларини ниҳоясига етишини таъминлади. Мазкур ҳудудни электрлаштирилиши ташиш харажатини 1,8 марта камайтиради. Ҳудуддаги экологик вазиятни яхшилайди, юк ва йўловчилар ташишни осонлаштиради, ортиқча сарф-харажатларни олди олинади. Манзилга юк ва йўловчиларни тез ҳамда қулай етиб бориш имконини янада яхшилайди. Шу билан бирга, ушбу йўналишда янги 50 та иш ўрни яратишга эришилди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Хорижда

Назоратни кучайтириш учун

қўшимча кучлар жўнатилди

Венесуэла маъмурияти Колумбия билан чегарасини мустаҳкамлаш ва назоратни янада кучайтириш мақсадида Боливариан миллий гвардиясининг минг нафарлик ҳарбий кучларини чегарага ташлади.

ИТАР-ТАСС хабар беришича, ўтган ҳафтанинг пайшанбасида Венесуэла билан Колумбия ўртасида дипломатик алоқаларнинг узилганлиги бунга сабаб бўлди. Колумбия маъмуриятининг қўшни Венесуэлани Колумбиянинг сўл қўзғолончилар гуруҳи — «Колумбия инқилобчи қуролли кучлари» ва «Миллий озодлик армияси» жангариларини Венесуэла чегараларидаги чангалзорларда яширганликда айблаши дипломатик алоқаларнинг узилишига олиб келди.

Музокараларнинг биринчи босқичи

бўлиб ўтди

Брюсселда Исландияни Европа Иттифоқи аъзолигига қабул қилиш юзасидан расмий музокараларнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Европа Иттифоқига аъзо 27 та мамлакат ташқи ишлар вазирлари иштирок этди ва улар бундан кейин олиб бориладиган навбатдаги музокаралар регламентини тасдиқлади.



«Новости» АА маълум қилишича, музокаралар жараёни 12 ойдан 18 ойгача чўзилиши мумкин. Музокараларда келишиладиган масалалар бўйича ҳужжатлар тўплами 35 та моддадан иборат.

Европа Иттифоқига расмий раислик қилувчи Бельгиянинг ташқи ишлар вазири Стевен Ванакеренинг журналистларга берган интервьюсида айтишича, Исландия неча йиллардан бери Европа Иттифоқининг яқин ҳамкори. У Европа Иттифоқига аъзо бўлиш учун Европа Иттифоқи мажбуриятларини бажаришга тайёр.

Дарвоқе, 320 мингдан ортиқ аҳолига эга Исландия айни пайтда глобаллашган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози боис банкротлик чегарасида турибди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг «VATANPARVAR KADRLAR MALAKASINI OSHIRISH» нодавлат таълим муассасаси тугатилади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши Бўка туман партия кенгаши раиси ўринбосари Холбек Сулаймоновга падари бузруквори **Сафар ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бефарқ бўлманг, одамлар!

Болаларимизни кашандалик иллатидан асрайлик

Сигарета чекиш зарарли, лекин нега кашандалар сони ошаяпти? Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунёда 1,2 миллиарддан кўпроқ кашанда бўлиб, айнан сурункали чекиш келтириб чиқарадиган касалликлардан ҳар йили 5 миллиондан зиёд киши вафот этар экан. Агар кашандаликка қарши курашилмаса, 2030 йилга бориб, шундай касалликлардан 10 миллиондан ортиқ киши вафот этиши мумкин.

Нега йил сайин кашандалар сони ва бу иллат келтираётган зарарли оқибатлар ошиб бораяпти? Биринчи навбатда сигарета ўз номи билан аталмайди. Сигареталар йил сайин чиройли қутиларда ва чиройли номлар остида ишлаб чиқарилаяпти. Ҳолбуки, сигареталар келтириб чиқарадиган «Ўпка сили», «Рак», «Юрак хуружи» каби касалликлар билан аталганда эди, ашаддий кашандалар ҳам ҳушёр тортарди. Иккинчидан, кўпчилик одамлар сигаретанинг зararини тўлиқ билишмайди.

Ўн тўққизинчи аср охирида дунёдаги таниқли 124 нафар намоянда ўртасида сўров ўтказилган. Улардан атиги 12 нафари чекаркан, 12 нафари эса фақат иш вақтида номига сигарета тутатиб қўяр экан. Агар дунё миқёсида эркакларнинг 40, аёлларнинг 30 фоизи чекишини ҳисобга олсак, зиёлилар ўртасидаги фоиз миқдори камлигини кўрамиз.

Олимларнинг аниқлашича, сигарета ва унинг тутунида 4 мингга яқин модда бор. Улардан 200 дан зиёди никотин, ис гази, мишьак (маргимуш), бензопирин, қўрғошин, водород сульфид, полоний каби заҳарли моддалардир. Бу моддалар одамнинг юрак-қон томири, нафас олиш тизими, ошқозон-ичак йўллари, умуман, ички аъзолари фаолиятини ишдан чиқаради. Кашандалик юрак хасталиги, сил, саратон ва бошқа хавфли касалликка чалинишни тезлаштиради.

Барча қизиқиш билан томоша қиладиган «Сеними, шошмай тур!» мультфильмида бўри телефон бўлмасига бекинган қўённи чиқариш учун бир неча сигаретани чўғлантириб, тутунини бўлма ичига пуфлайди. Бироқ бўри иккинчи уринишни амалга оширмасдан сигарета тутуни заҳаридан йиқилади. Чунки сигарета тутунининг 30 фоизини хавфли никотин моддаси ташкил этади. Чорак томчи (15-25 мг.) никотиндан қуён, ярим томчи никотиндан ит ўлади. Икки-уч томчи никотин одамни нобуд қилади. Кунига 20-25 дона сигарета чекадиганлар шунча миқдорда никотин ютади (ҳар бир сигарета ва унинг тутунида 6-8 мг. никотин бўлиб, шундан ярми чекувчининг қонига ўтади).

Айрим кашандалар мен бир кунда 25 та эмас, 30 та сигарета чекдим, ҳеч нарса бўлгани йўқ деб, олимларнинг илмий хулосаларини инкор этишга уринишади. Бунинг сабаби оддий: кашанда сигаретани танаффус билан чеккан. Заҳарли никотин қонга оз-оздан ўтган, ички аъзолар бир қадар зарарсизлантиришга улгурган.

Шу ўринда ўтган асрда Франциянинг Ницца шаҳрида бўлиб ўтган «Ким кўп чекади?» ғайриинсоний мусобақаси натижаларини эслатишимиз жоиз. Бу «мусобақа»да 60 дона сигаретани кетма-кет чекиб, ғолиб чиққан йигит ўша заҳоти ўлган. Ундан кейинги ўринларни эгаллаганлар оғир ҳолатда шифохонага ётқизилган. Англияда шунга ўхшаш ҳолат қайд этилган. Бир киши кечаси ақлий ишни бажараётиб 54 дона сигарета чеккан ва унга эрталаб тиббий ёрдам кўрсатилишига қарамай ҳаётдан кўз юмган.

Орамизда сигарета чекиш «ақлни пешлайди», дейдиганлар топилади. Маълумки, тамаки маҳсулотлари юртимизга нисбатан кечроқ кириб келган. Аммо минг йил аввал буюк алломамиз Абу Райҳон Беруний ақл кўзи билан тамаки ўсимлиги ватани бўлган Американи кашф қилган. Тараққиёти жадал ривожлана бошлаган Европа қитъаси вакили Колумб 1492 йилда кемада тамакининг асл ватани Жанубий Америка қирғоғига етиб борган. Ўн олтинчи асрдаёқ чиройли гуллайдиган тамаки Испанияда экиб кўпайтирилган ва кейин Европанинг бошқа мамлакатларига тарқалган. Тез орада тамакидан сигарета тайёрлаш йўлга қўйилган.

Албатта, одамлар тамакининг зararли оқибатларини тезда англаб етишган. Шу боис тамакини экишга, сигарета чекишга қарши курашишган, жазо чоралари жорий этилган. Масалан, Англияда ашаддий кашандалар ўлим жазосига ҳукм этилган, Германияда бундай кишиларнинг бурни ёки қулоғи кесилган, Россияда қамчи билан саваланган. Аммо ўзи кашанда бўлган Пётр I 1697 йилда Россияда тамакини чеклаш бўйича чиқарилган барча ҳужжатларни бекор қилган. Натижада, Россия бўйлаб тамаки етиштириш ва ундан маҳсулот тайёрлаш яшин тезлигида кўпайди. Шунга мос равишда чекувчилар сони ҳам ошди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: шундай зararли бўлса ҳам одамлар нима учун чекади? Ижтимоий сўров ўтказилганда, 45 фоиз чекувчи сигарета тутатишни болалигида қизиқиш учун бошлаганини айтишган. Бошқа сўровда 41 фоиз чекувчи болалигида катталарга тақлид қилиб сигарета тутатганини билдирган. Демак, сигарета тутуни ҳавога сингиб кетишдан олдин «Кўк алвасти»га айланиб болалар онгига салбий таъсир ўтказишга улгурар экан.

Ўзбекистонимиз дунёдаги сигарета чекишни, тамаки маҳсулотларини реклама қилишни чеклаётган мамлакатлар қаторидан жой олган ва юртимизда ҳам ўз ҳудудида сигарета чекишни тақиқлаётган муассасалар сони кўпайиб бормоқда. Аммо омма онгига тез таъсир қилувчи восита бўлган бадиий фильм ва кўрсатувларда ҳамон сигарета чекаётган кишиларни кўришимиз мумкин. Афсуски, одамлар гавжум жойларда, автобус бекатларида кичкина супача ёзиб сигарета сотаётган «тадбиркорлар»ни, тутунини бурқиратиб сигарета чекаётганларни учратиш учун узоққа бориш шарт эмас. Бу кашандалар сигарета тутатиб, болалар онгига салбий таъсир ўтказаяпмиз деб сира ўйлашмайди.

Тамаки билан боғлиқ муаммонинг ечимини топишда сусткашлик қилиш мумкин эмас. Бир муаммо бошқасини етаклаб келади. Бу муаммо кенг кўламда ечилиши ва ундан ҳеч бир соҳа, ҳеч бир киши четда қолмаслигига эришиш лозим. Кашандаликка қарши курашда чекиш, тамаки маҳсулотларини сотиш ва реклама қилишни тақиқловчи ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш баробарида юртимизда соғлом турмуш тарзи тарғиботини янада кучайтиришимиз керак бўлади. Агар болаларимиз, ёшларимиз саломатлик гарови бўлган спортнинг ўзлари ёқтирган турида шуғулланса, иқтидорларини ўстирадиган фан ва касб-ҳунар тўгаракларида қатнашсалар ёки бошқа фойдали иш билан машғул бўлсалар, кашандаликдай ёмон иллатдан шунча йироқлашади.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга бир умр чекмаган ва кашандаликка қарши курашиб келаётган таниқли кишиларни жалб этиш катта самара беради. Оддий мисол, ҳозир «Спорт» телеканалида таниқли ҳакам Равшан Эрматов иштирокида чекишга қарши реклама намойиш қилинаяпти. Бундай таъсирчан антирекламани кўрган қанча ёшларимиз умрбод кашандаликдан юз ўгирди десам, сира муболаға қилмаган бўламан. Ҳа, болаларимизни кашандалик иллатидан асраш учун барча воситалардан унумли фойдаланишимиз даркор. Чунки боланинг сигаретани қўлга олиши иллат сари ташлаётган биринчи қадами, агар вақтида тўхтатмасак, бу иллат уни бошқа иллатлар томон етаклайди. Бизнинг вазифамиз — болалар ана шу қадамни ташлаш ҳақида ўйламасдан аввал ўзимизнинг ибратимиз, панд-насиҳатимиз билан уларни соғлом турмуш тарзи сари йўналтиришимиз керак.

Асрор МЎМИН

СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ —СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ —СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ

Суҳроб — жаҳон биринчилиги совриндори!

Будапешт (Венгрия)да эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида навбатдаги жаҳон биринчилиги бўлиб ўтди. Дунёнинг қирқ саккиз давлати вакили иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада мамлакатимиз спортчилари ҳам муносиб қатнашди.

Илгари хабар қилганимиздек, юнон-рум кураши бўйича ҳамюртимиз Бесики Солдадзе бронза медали билан тақдирланганди. Эркин кураш беллашувларида эса Суҳроб Тошпўлатов (84 кг) ҳам шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.

Иккинчи давра арафасида

Кеча футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати олий лига жамоалари биринчи давра учрашувларини якунлашди.

Бешинчи турнинг кечиктирилган «Бунёдкор» — «Насаф» жамоалари баҳси кўпчиликда қатта қизиқиш уйғотди. Чунки мавсум оралиғида эълон қилинган танаффус чоғида «Бунёдкор» жамоаси таркибида бир қатор ўзгаришлар юз берди. Жумладан, тошкентликларнинг етакчи футболчилари Сервер Жепаров Жанубий Кореянинг «Сеул», Жасур Ҳасанов Қатарнинг «Лакойя» футбол клублари билан шартнома имзолашган. Шунингдек, Мурод Зуҳуров, Хайрулло Каримов, Шавкат Саломов, Анвар Солиев «Насаф», Шавкат Раимқулов эса «Шўртан» жамоаларига ижарага берилди.

Майдон эгаларининг тўла устунлигида ўтган ушбу ўйинда 5:0 ҳисоби қайт этилди.

Ўн биринчи турнинг яна бир қолдирилган учрашуви Андижонда ўтказилди. «Андижон» — «Нефтчи» жамоалари ўртасидаги ўйинда мезбонлар кичик ҳисобда ғалаба қозонди — 1:0.

Иккинчи давра баҳслари 31 июлдан бошланади.

Эркин ХОЛБОБО

«Шўртан» — финалда!

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги ярим финалининг дастлабки жуфтлигида «Бунёдкор» жамоаси Фарғонанинг «Нефтчи» футболчиларини икки ўйин натижасига кўра мағлубиятга учратганидан хабарингиз бор.

Ҳал қилувчи баҳсга бериладиган иккинчи йўлланма тақдири «Шўртан» — «Локомотив» жамоалари баҳсида аниқланди. Тошкентда ўтган биринчи ўйинда пойтахт темирйўлчилари рақиблари дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашганди. Ғузорда ўтказилган жавоб учрашуви янада муросасиз ва шиддатли кечди. Ўйиннинг асосий вақтида «Шўртан» футболчилари 2:0 ҳисобида зафар қучишди. Натижада ғолиб номи қўшимча вақтда аниқланадиган бўлди. Унда ғузорликлар яна икки бор «Локомотив» жамоаси дарвозасини ишғол этиб, ўз тарихида биринчи маротаба Ўзбекистон кубогининг финалига йўлланмани қўлга киритди.

Энди 18 август куни Тошкентдаги «Пахтакор» стадионида ўтказиладиган «Бунёдкор» — «Шўртан» жамоалари баҳсида навбатдаги Ўзбекистон кубоги соҳиби маълум бўлади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи:
«Фарғона вилоят, Ўзбекистон туманидаги аёллар Мурувват уйини мукаммал таъмирлаш»

Муддати — 01.10.2010 йил.
Бошланғич нархи:
— 132,927 997 млн. сўм ҚҚС билан,
— 113,686 200 млн. сўм ҚҚСсиз.
Буюртмачи: Фарғона вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси
Манзили: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Б.Марғиноний кўчаси, 4-уй,
тел.: (373) 224-50-36.

Қурилиш ишлари «Маҳалла» хайрия жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй,
телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин, юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

«Ўзбекистон темир йўллари»

Давлат акциядорлик темир йўл компанияси

Темир йўл тизимида фаолият юритаётган ишчи-хизматчиларни, меҳнат фахрийларини 1 август — Темирйўлчилар куни муносабати билан қизғин ва самимий муборакбод этади.

Барча соҳада бўлгани каби темир йўл тизимида олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар ҳам бугун ўз натижаларини бермоқда.

Бу ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари нафақат ўзимизда, балки бутун дунёда ҳам эътироф этилмоқда.

АЗИЗ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, мустақил Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда катта ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик, рўзғорингизга қут-барака тилаймиз!

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

манфаатли **«ОМАД ҚУВОНЧИ»** *ютуқли омонатини таклиф этади.*

Омонатга маблағлар 3 ой муддатга 14 фоиз даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Омонат бўйича фоиз даромади билан бирга, ўтказиладиган ютуқлар тиражи натижасига кўра 50 дан ортиқ буюм ютуқлари соҳиби бўлишингиз мумкин.

БОШ СОВРИН — «НЕКСИЯ» АВТОМОБИЛИ!

Ютуқлар тиражи жорий йил август ойи 2-декадасида ўтказилади.

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Asror MO`MINOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8241 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 23.30
2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda